

АБУЛҚОСИМОВ Мурод Ҳасанович,
Олий ҳарбий божхона институти
ўқитувчиси, ТМИ мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ - ШАХС ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

УДК 334.012.8

**АБУЛҚОСИМОВ М.Ҳ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ - ШАХС ИҚТИСОДИЙ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

Мақолада Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишнинг шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги асосланган.

Таянч иборалар: иқтисодий ўсиш, барқарор иқтисодий ўсиш, хавфсизлик, шахснинг иқтисодий хавфсизлиги, ишсизлик, камбағаллик, давлатнинг ижтимоий сиёсати, ҳаракатлар стратегияси.

**АБУЛКАСИМОВ М.Х. УСТОЙЧИВЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ В УЗБЕКИСТАНЕ ВАЖНОЕ
УСЛОВИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ**

В статье обоснованы достижения устойчивого экономического роста в Узбекистане как важное условие обеспечения экономической безопасности личности.

Ключевые слова: экономический рост, устойчивый экономический рост, безопасность, экономическая безопасность личности, безработица, бедность, государственная социальная политика, стратегия движений.

**ABULKASIMOV M. H.PERSISTENT OF ECONOMIC GROWTH IN UZBEKISTAN AS IMPORTANT
CONDITIONS INDIVIDUALS' ECONOMIC SECURITY PROVISION**

The article represents persistent economic growth in Uzbekistan as important conditions of provision of individuals' economic security.

Keywords: economic growth, persistent economic growth, security, individual economic growth, unemployed, poverty, state social politics, strategy of movements.

Камбағаллик ва қашшоқлик инсон учун энг даҳшатли хавф ҳисобланади. Бозор иқтисодиётидан шахс иқтисодий хавфсизлиги унинг ишсизлик, бозори касод (банкрот) бўлиш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий беқарорликлар, табиий оғнатлар ва бошқа сабаблар оқибатида камбағал бўлиб қолиши хатаридан сақланишда ифодаланади.

Камбағаллик – бу турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳволининг кўрсаткичидир. Камбағаллик – ижтимоий гуруҳ ёки индивиднинг ҳаёт учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслигининг иқтисодий шароитини акс эттирувчи хусусият. Камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланиб, ҳар бир жамиятдаги турмуш дараҷасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. Камбағалликхолати ресурсларнинг узоқ муддат давомида етарли бўлмаслигини аввалги жамғармалар билан ҳам, қиммат товарларни ҳарид қилишдан вақтинча тежаш ҳисобига тўплланган маблағ билан ҳам қоплаш имконияти мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Камбағаллик сабаблари турлича бўлиб, улар қуйидаги гуруҳлардан иборат:

- а) иқтисодий (ишсизлик, иш ҳақининг камлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, маълум тармоқларнинг рақобатбардош эмаслиги);
- б) ижтимоий-тиббий (ногиронлик, қариллик, касалланиш даражасининг юқорилиги);
- в) демографик (тўла бўлмаган оиласлар, оиласда боқимандаларнинг кўплиги);
- г) ижтимоий-иқтисодий (ижтимоий кафолатлар даражасининг пастлиги);
- д) таълим-малака (таълим даражасининг пастлиги, касбий тайёргарликнинг етарли эмаслиги);
- е) сиёсий (ҳарбий можаролар, мажбурий миграция);
- ё) минтақавий-жўпрофий (минтақаларнинг бир хил ривожланмаганлиги)¹.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бир томондан, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига, иккинчи томондан, ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши мамлакат ва шахснинг иқтисодий

хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш асосида давлат томонидан фуқароларнинг иш билан бандлигини ошириш, таълим-тарбия, билим ва қасб-хунар олишлари учун шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий кафолатлари яратилади.

Илмий адабиётларда иқтисодий ўсиш, барқарор иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш тушунчалари бир-бирларидан фарқланади. Миллий иқтисодиёт ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида қабул қилинган иқтисодий ўсиш кўрсаткичи муайян давр мобайнида реал ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўтган даврдагига нисбатан ошиши, тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англаради². Ўзбек олимлари А.Ўлмасов, А.Вахобовлар фикрича, «иқтисодий ўсиш - тўлиқ бандлик билан мужассамлашган ишлаб чиқариш реал ҳажмининг узоқ муддат мобайнида ўсишидир. Иқтисодий ўсиш - бу иқтисодиётнинг ривожланиши, яъни ҳаётий неъматлар бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарилишининг кўпайиб боришидир»³.

Иқтисодий ўсиш одатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиши билан ўлчанади. Иқтисодий ўсиш ЯИМ, давлат иқтисодий қудрати ва инсонлар фаровонлигининг ўсишида ўз ифодасини топади. Иқтисодий адабиётларда иқтисодий ўсишнинг хилма-хил турлари изоҳланган. Жумладан, иқтисодий ўсиш, келажаксиз - бу шундай иқтисодий ўсишки, унинг натижасида келажак авлод учун зарур бўлган табиий ва иқтисодий неъматлар ҳозирги давр ўсишини таъминлаш учун аёвсиз сарфланади.

² Қаранг: Кисилева Е.А. Макроэкономика: Курс лекций. – М.: Изд-во Эксмо, 2007. Б. 31-43; Менкью Н.Г. Макроэкономика. Пер. с анг. – М.: Изд-во МГУ, 1994. С. 144 – 167.

³ Ўлмасов А., Вахабов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслар. Т.: «Iqtisod-moliya» 2014 й.

¹ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати.- Т.: «ABU MATBUOT KONSALT», 2017. -261-262-бетлар.

Иқтисодий ўсиш, бандсизликнинг ўсиши - бу шундай иқтисодий ўсишки, бунда янги ишчи ўринлари яратилмайди, яъни бундай ўсиш аҳоли бандлигининг таъминланишига имконият яратмайди.

Иқтисодий ўсиш, шафқатсиз - бу жамиятдаги иқтисодий тенгсизликнинг кучайишига олиб келувчи иқтисодий ўсишдир, яъни даромадларнинг асосий қисми бой аҳоли қатлами қўлида тўпланади, қамбағаллар эса янади қашшоқлашади.

Иқтисодий ўсиш, миллий қадриятларни камситувчи ўсиш - бу шундай иқтисодий ўсишки, унинг натижасида миллатлар ўзларининг маданий қадриятлари, анъаналарини йўқотадилар.

Иқтисодий ўсиш, овозсиз ўсиш - иқтисодий ўсишнинг шундай турики, бунда жамиятни демократлаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайишига олиб келмайди¹.

Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш тушунчалари бир-бирлари билан узвий боғлиқ, лекин маъно жиҳатдан фарқланувчи тушунчалардир. **Иқтисодий ўсиш** деганда моддий неъматларни ишлаб чиқаришнинг миқдорий жиҳатдан кўпайишини тушунсак, **иқтисодий ривожланиш** деганда эса иқтисодий ўсишга нисбатан кенгроқ тушунчани, яъни нафақат ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишини, балки аҳоли турмуш даражаси ўсишини ва иқтисодиётда бўлаётган турли хилдаги ўзгаришларни ҳам ифодаланиши тушунилади. **Иқтисодий ривожланиш** кўп жиҳатли жараён ҳисобланиб, ўз таркибига техник, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларни қамраб олади.

Барқарор иқтисодий ўсиш - бу узоқ вақт давомида иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиб боришидир. Илмий адабиётларда «барқарор иқтисодий ўсиш» тушунчасининг қатор таърифлари мавжуд. Хусусан, «барқарор иқтисодий ўсиш» тушунчаси миллий иқтисодиётнинг шундай ҳолатини ифодалashi керакки, унда салбий ёки нолта тенг бўлиши мумкин бўлган реал ўзгарувчан мезон ва кўрсаткичлар узлуксиз мутаносиб суръатда ўсиши лозим². Барқарор иқтисодий ўсиш мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларининг маълум йиллар давомида (одатда беш йил) ижобий ва ўзаро мувофиқ ўсиш дина-

¹ Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати.-Т.:»АВУ МАТВИОТ-KONSALT», 2017.-253-бет.

² Словарь современной экономической теории Макмилана – М., 1997.-С. 471.

микасидан вужудга келадиган иқтисодий ўсишдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар натижасида шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари анча яхшиланди. Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот баробардан зиёдга, аҳолининг даромадлари 9 марта ошиди. Шу давр мобайнида аҳоли сони 12,5 миллиондан ортиққа ўпайди ва 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига 32,65 миллион-кишини ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётида ЯИМ нинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 1996-2003 йилларда 4% ни ташкил этди. 2004 йилдан бошлаб иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш натижасида ЯИМ йилига ўртача 7-8% даражасидаги юқори ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш қилди³ (қаранг:1-жадвал)

Таъкидлаш лозимки, 2007-2016 йилларда ЯИМ 2,2 мартадан зиёдга ўсиди. Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари ва манбалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, юқори, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари шу даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 1,9 баробарга (ўртача ўсиш суръати 6,5%), саноат-1,7 баробарга (5,6%), қурилиш – 3,9 баробарга (15,0%), хизмат кўрсатиш соҳаси- 2,5 баробарга (9,7%) ўсиши ҳисобига эришилди⁴. 2017 йилда ЯИМ нинг йиллик ўсиш суръати 5,3%ни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,0%га, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 2%га, асосий капиталга киритилган инвестициялар 7,1%га, экспорт 14,9%га ўсиди. Ташки савдонинг ижобий сальдоси 880,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2017 йилда 53,3%га етди ёки 1,8 баробарга ошиди. 2017 йилда кичик бизнес улуши саноатда 39,6% ни, инвестицияларда 32,0%ни, қурилишда 65,1% ни, чакана савдо айланмасида 88,4%ни, қишлоқ хўжалигига 99%дан зиёдни ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг

³ Анализмакроэкономических показателей Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2016гг.)//www.stat.uz.

⁴ Анализмакроэкономических показателей Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2016гг) //Госком статистики Республики Узбекистан//www.stat.uz.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари (ўтган йилга нисбатан %да)¹

Кўрсаткичлар	2000й.	2005й.	2010й.	2016й.	2017й.
ЯИМ (ишлаб чиқарилган)	103,8	107,0	108,5	107,8	105,3
ЯИМ аҳоли жон бошига	102,4	105,7	106,7	105,9	103,6
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши	105,9	107,2	108,3	106,2	107,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши	103,1	105,4	106,8	106,6	102,0
Асосий капиталга инвестициялар	101,0	105,7	109,2	107,7	107,1
Курилиш ишлари	103,0	110,7	105,1	110,2	105,6
Юк ташиш	100,2	105,5	110,3	105,0	102,5
Йўловчи ташиш	102,5	114,0	106,3	104,6	103,3
Чакана савдо айланмаси	107,6	105,1	113,6	114,4	102,4
Пуллик хизматлар	115,7	116,3	112,5	109,3	108,9
Истеъмол маҳсулотлари нархлари (ўтган йил декабрига нисбатан %)		107,8	107,3	105,7	111,4
Ташқи савдо айланмаси	97,9	109,6	104,7	97,5	111,0
Экспорт	100,9	111,5	110,6	97,4	114,9
Импорт	94,8	107,2	97,2	97,7	107,2
Доимий аҳоли сони йил охирига	101,3	101,1	104,0	101,7	101,7
Иқтисодиётда бандларнинг ўртача йиллик сони	101,1	102,9	102,7	101,8	101,7

иш билан бандлигига 78,3% ни ташкил этди². Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига даромадлар ўсиб борди. Масалан, 2016 йилда бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 11,7 мартаға, ўртача иш ҳақи миқдори 23,6 мартаға, пенсия миқдори эса 18,1 мартаға ўсади.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимими ривожлантириш давлат дастурлари амалга оширилди. Мактабгача таълим муассасаларини ва олий таълимни ривожлантириш ва сифатини ошириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида таълимнинг кутилаётган давомийлиги 1990 йилдаги 13,7 йилдан ҳозирги даврга келиб, 15,6 йилни ташкил этмоқда. Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси 99,6%ни ташкил этмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши натижасида болалар ўлимининг умумий коэффициенти 1990

йилги 34,6 промилледан 2015 йилда 10,9 промиллегача, оналар ўлими эса 100 минг тирик туғилган чақалоққа нисбатан тегишлича 65,3 дан 17,5 га тушди. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 73,5 ёшга етди³. Бундай натижаларга мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланганлиги сабабли эришилди.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг амалга оширилиши инсоннинг шахсий иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтирадиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар яратади. 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

¹«Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990 – 2010 гг.) и прогноз на 2011 – 2015 гг.: Статсборник – Т.: Узбекистан2011. – С. 14, 15, 18; Альманах Узбекистана -2013.-Т., ЦЭИ, 2013г.-С.82; Альманах Узбекистана-2017г.-Т., 2017.-С.22.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-декабрь 2017 года.-Т.: Госкомстат РУ, 2018.-С.14. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

²Социально-экономическое положение Республике Узбекистан за 2017 год.-Т., 2018.-С.98.

³Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларида (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т: «Ўзбекистон», 2011.-103-104, 106-107, 116-бетлар; Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

«Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўлтранспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтоҷ қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутади.

Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7та шаҳар ва 2та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та маҳсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Қишлоқ жойларда 15 мингта арzon уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида иқтисодиётни ривожлантириш ва либерал-

лаштиришнинг қуидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур ишлаб чиқиши;

- Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастурини амалга ошириши;

- мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш².

Ушбу устувор вазифалардан келиб чиқиб, 2018 йилда Узбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 5,9%га, саноат ишлаб чиқаришнинг 6,4%га қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 4%га, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар 6,5%га, чакана савдо айланмаси 5,6%га, инфляция даражасининг 12,4–13,4% га ўсиши прогноз қилинмоқда. Давлат бюджети даромадлари 62,229 трлн сўм, харажатлари — 62,17 трлн сўм ҳажмида бўлиши прогноз қилинган. Давлат бюджети харажатларининг 35,034 трлн сўми (56,3%дан зиёди) ижтимоий мақсадларга йўналтирилади. Шу жумладан, 19504,3 миллиард сўм (31,3%) таълимга, 9562 миллиард сўми (15,4%) соғлиқни сақлаш тизимига йўналтириш мўлжалланмоқда. Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши ва давлатнинг ҳалқпарвар ижтимоий сиёсатининг амалга оширилиши оқибатида ҳар бир шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун мустаҳкам ижтимоий-иктисодий замин яратилади.

Таъкидлаш керакки, шахс иқтисодий хавфсизлиги нафақат давлат бошқаруви органлари, ҳукуматнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатига ва сайи-ҳаракатларигагина боғлиқ, шу билан биргалиқда ҳар бир фуқаронинг ўзига ҳам боғлиқдир. Шахс манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдидларга муносабатда инсон ўзининг руҳий ҳолатини фаоллик, бағрикенглик (толерантлик), қатъиятлилик, чидамлилик, собитқадамлилик, рақобатдошлик каби қобилият ва сифатларини шакллантириши, бор қобилиятини, билим ва малакасини, тажриба ва меҳнат кўнникмасини ишга солиб, самарали ва оқилона иқтисодий фаолият кўрсатиши зарур бўлади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонига ШАРХ

²Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси://Ҳалқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнингасосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь.
4. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иктисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. - Т.: «ABU MATBUOT KONSALT», 2017.
5. Кисилева Е.А. Макроэкономика: Курс лекций. – М.: Изд-во Эксмо, 2007.
6. Менкью Н.Г. Макроэкономика. Пер. с анг. – М.: Изд-во МГУ, 1994.
7. Ўлмасов А., Вахабов А. Иктисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Iqtisod-moliya», 2014.
8. Словарь современной экономической теории Макмиллана – М., 1997
9. Анализ макроэкономических показателей Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2016гг.). // www.stat.uz.
10. «Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990–2010 гг.) и прогноз на 2011 – 2015 гг.: Стат. сборник – Т.: Узбекистан, 2011.
11. Альманах Узбекистана-2013. - Т., ЦЭИ, 2013.
12. Альманах Узбекистана-2017. - Т., ЦЭИ, 2017.
13. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., Госкомстат РУз, 2018.